

3. Копилов Б.М., Пуховицкий Ф.Н. Техническое обслуживание и ремонт гусеничных тракторов. М. Госагропромиздат. 1990, 160 с.

4. Аликулов С.Р., Олмосов М.Н. Техник хизмат қўрсатиш техникаси. Ўқув қўлланма, Қарши, 2019, 534 б.

5. Романович Ж.А., Калачев С.Л. Сервисная деятельность. Учебник, М. Дашков и К, 2006, 93 с.

6. Sukhpal Singh. Agricultural Machinery Industry in India. A study of Grown. Market Structure and Buseness Strategies. Ahmedabad, 380015, 2009, 262 p.

#### Интернет манбалари

WWW bilim.uz ; WWW ziyo.edu.uz ; WWW google.com;

WWW clase.com; WWW caseih.com; WWW newholland.com;  
WWW yahoo.ru ; WWW agromasina.com.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИКТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКАЛАРИГА  
ФИРМАВИЙ ТЕХНИК СЕРВИС КЎРСАТИШ

ФАН ДАСТУРИ

(Хизмат кўрсатиш техникаси ва технологияси (қишлоқ хўжалик техникаларига хизмат кўрсатиш) бакалавриат таълим йўналиши

Қарши - 2020

Фаннинг ўкув дастури институт Услубий Кенгашида (баёй №\_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_. 2020 й.) ва таълим йўналиши 2019-2020 ўкув йилининг ишчи ўкув режасига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Фан дастури Қарши мұхандислик-иктисодиёт институтида ишлаб чиқилган

**Тузувчи:**

**С.Р.Аликулов**

Қарши мұхандислик-иктисодиёт институти  
“ҚХМ ва С” кафедраси профессори,  
техника фанлари доктори

**Тақризчилар:**

**Д.Х.Чуянов**

Қарши мұхандислик-иктисодиёт институти  
Кишлоқ хўжалигини механизациялаштириш  
кафедраси доценти, техника фанлари доктори

**О.Д.Мамадалиев**

“Ўзагросервис Қашқадарё вилоят бошқармаси  
бошлигининг ўринбосари, техника фанлари  
номзоди

Фан дастури Қарши мұхандислик-иктисодиёт институти Кенгашида куриб  
чиқилган ва тавсия қилинган (2020 йил      августдаги      -сонли мажлис  
баённома)

5. Ўзбекистонда замонавий қишлоқ хўжалик техникаларига  
(турлари ва русумлари бўйича) фирмавий техник сервиснинг  
истикболлари.

Мустақил ўзлаштириш мавзулар бўйича талабалар томонидан  
рефератлар тайёрланади ва тақдимот килиш тавсия этилади. Шунингдек,  
талабалар томонидан фанга оид бажариладиган илмий тадқиқот ишлар  
натижалари бўйича илмий мақола, илмий маъруза тайёрлаб тақдимот  
қилишлари мумкин.

**VI. Асосий ва қўшимча адабиётлар ҳамда ахборот манбалари**

**Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича  
ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг Фармони, 2017 йил 7 февраль.

2. Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларга механизация ва сервис  
хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча  
чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Қарори, 2018 йил 29 май.

3. Замонавий техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш  
корхоналарини ташкил этиш ва технологик жиҳозлаш бўйича қўлланма.  
Ш.У.Йўлдошев, Ё.Б.Холиёров, М.Н.Олмосов, А.Ч.Эргашев,  
З.Ш.Шарипов. Тошкент, 2011,132 б.

4. М.Тошболтаев. Р. Рустамов, З. Сейтимбетова. Кишлоқ хўжалик  
машиналарига фирмавий техник сервис кўрсатиш тизимининг  
математик ва статистик моделлари. Тошкент, Фан, 2011, 153 б.

**Қўшимча адабиётлар**

1. Варнаков В.В., Стрельцов В.В. и др. Технический сервис машин  
сельскохозяйственного назначения. М, Колос, 2001, 253 с.

2. Yuldoshev Sh.U. Mashinalar ishonchliligi va ta'mirlash asoslari.  
Toshkent, Uzbekiston. 2006, 694 b.

- техникаларга фирмавий сервис кўрсатиш тизимининг марказлари, ҲМТП корхоналаридаги фирмавий техник сервис (ФТС) булимлари, уларнинг асосий вазифалари ва услубларини билиш;

- трактор ва мураккаб қишлоқ хўжалик машиналарини сервисга қабул килиш жараёнларини мукаммал билиш ва иш фаолиятида кўллаш;

- фирмавий сервис кўрсатиш жараёнларида (қабул қилиш, диагностика, техник хизмат кўрсатиш ва таъмираш қисмлари) фойдаланилаётган замонавий жиҳоз, ускуналардан фойдаланишини билиш ва кўллаш;

- бир турдаги ҳамда турли русумдаги техникаларни ташхислаш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмираш ишларини ташкиллаштириш, соддалаштириш ҳамда уларнинг таннархини пасайтириш усувларини билиш.

### III. Асосий қисм

**1-Мавзу. Кириш. Фан тўғрисида тушунча.** Фирмавий техник сервис (ФТС)нинг тарихи, аҳамияти, ривожланиши. Хорижий мамлакатларда фирмавий техник сервиснинг ҳолати.

**2-Мавзу. ФТСни амалга оширувчи субъектлар,** уларнинг тузилиши ва моддий-техника базаси. ФТС марказларининг таснифлари. Дилерлик корхоналар, уларнинг асосий вазифалари. Қишлоқ хўжалигига ФТС тизими (техника ишлаб чиқарувчи – сервис ижрочиси – сервис буюртмачи)нинг таркиби, вазифалари.

**3-Мавзу. Фирмавий техник хизматини ташкил этиш.** Техникани ишлаб чиқарувчи фирма (завод)нинг муҳандислик Маркази. Марказнинг “Техник сервис” хизмат кўрсатиш корхонасининг таркиби, вазифалари. Марказнинг “Ўқув маркази”, Техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш булими, Таъмираш – фойдаланиш бўйича йўриқномалар ва меъёрий хужжатлар. Фирмавий техник сервис билан шуғулланувчи субъектлар таркиби ва вазифалари.

**4-Мавзу. Фирмавий техник сервиснинг хизматлар мажмуаси.** Харидорлар ва сервис хизматидан фойдаланувчилар талаб-эҳтиёжлари, тулов кобилияти, мижозлрни ахборот ва маълумотлар билан тезкор таъминлаш (“он-лайн”), маслаҳат хизмати, фойдаланувчиларни машина, эҳтиёт қисм ва жиҳозлар билан таъминлаш, машинани сотувга тайёрлаш, машина-трактор агрегатларни ташхислаш, ТХК ва Т ишларини бажариш, фойдаланувчиларга машина-трактор агрегатлар ва

жиҳозлардан фойдаланиш ҳоидаларини ўргатиш, таъмираш ва техник хизмат кўрсатишнинг моддий-техник базасини яратиш.

**5-Мавзу. Фирмавий техник сервисда дилерлик хизмати.** Дилерлик хизматининг вазифалари. Дилер ташкилотига қўйилган асосий талаблар. Дилерлик хизматининг тамоиллари. Техникалар иаркетинги.

**6-Мавзу. Замонавий тракторларга техник химат кўрсатиш ва деталларини таъмираш.** ТТЗ-100, МТЗ-1221, Магнум, МХ-135 филдиракли, Россия мамлакати корхоналарда ишлаб чиқарилаётган замонавий занжирли тракторларига фирмавий техник сервис усувларида хизмат кўрсатишни ташкил этиш.

**7-Мавзу. Ғалла комбайнларга техник хизмат кўрсатиш ва деталларини таъмираш.** Россиянинг ғалла комбайни ишлаб чиқарувчи корхоналарининг “Нива”, “Колос”, “Сибиряк”, АҚШ ва Германиянинг “Кейс”, “Клаас” ғалла комбайнларига фирмавий техник сервис усулида техник хизмат кўрсатиш, механизм ва деталларини таъмираш.

**8-Мавзу. Пахтани териш ва пахта хосилини ташиш машиналарига техник хизмат кўрсатиш ва деталларини таъмираш.** Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган МХ-1,8, хориждан келтирилаётган “Кейс”, “Джон-Дир” пахта териш иашиналарига техник хизмат кўрсатиш, механизм ва деталларини таъмираш. ТТЗ нинг 2 ПТС-4, ПТС-5, ПТС-6 тиркамалари, хорижнинг “Джон-Дир” пахта териш машинаси томонидан шаклланган пахта рулонларини ташишга мўлжалланган транспорт воситасига техник хизмат кўрсатиш ва деталларини таъмираш.

**9-Мавзу. Ўзирорар, мураккаб замонавий қишлоқ хўжалик машиналарига техник хизмат кўрсатиш ва деталларини таъмираш.** Замонавий ем-ҳашак, маккажухори, илдиз мавали ўсимлик маҳсулотларини йиғиштириш, мураккаб, комбинациялашган машиналарга фирмавий техник сервис кўрсатиш,, механизм ва деталларини таъмираш.

**10-Мавзу. Мамлакатимизда фирмавий техник сервисини ривожлантириш истиқболлари.** Кластер тизимини ривожланиши янги, юқори самарали қишлоқ хўжалик техникаларини яратиши, ушбу тизимга хориж техника ва технологияларини кўлланиши фирмавий

техник сервиси марказларини кўпайиши ва сифатли хизмат кўрсатишни тақоза этади.

#### **IV. Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларни уюштириш бўйича тавсия килинадиган тахминий мавзулар:

1. Фирмавий техник сервиснинг аҳамиятли белгилари.
2. Тракторларга ФТС тизимининг тавсифлари.
3. Фалла комбайнинг ФТСда бажариладиган ишлар.
4. Пахта териш машиналарига ФТСда бажариладиган ишлар.
5. Ўзиорар, мураккаб қишлоқ хўжалик машиналарига ФТСда бажариладиган ишлар.
6. Қишлоқ хўжалик транспорт воситаларига ФТСда бажариладиган ишлар.
7. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини Кластер тизимининг техникаларига ФТСни ташкил қилиш.
8. ФТС тизимида дилер корхоналарнинг таснифи.

Амалий машғулотлар замонавий ахборот технология жиҳоз ва ускуналари билан таъминланган аудиторияда бир академик гурухда ўтказилади. Машғулотлар фаол ва интерактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар кўлланиши максадга мувофиқ.

#### **V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар**

1. Тошкент трактор заводида ишлаб чиқарилаётган тракторларга фирмавий техник сервисни ташкил қилиш.
2. Фалла комбайнларига (турлари ва русумлари бўйича) фирмавий техник сервисни ташкил қилиш ва бажариладиган ишлар.
3. Пахта териш машиналарига (турлари ва русумлари бўйича) фирмавий техник сервисда бажариладиган ишлар.
4. “Ўзагромашсервис” Асоссацияси Ҳиссадорлик МТП, Муқобил МТП ва таъмирлаш заводларида фирмавий техник сервисни ташкил қилиш.

#### **I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий қасбий таълимдаги ўрни**

Мамлакатимиз Президенти ва Республика ҳуқуматининг қатор Фармон ва Қарорлари билан қишлоқ хўжалигини янада ривожлатириш, ресурстежамкор, рақобатбардош техника ва технологияларни жорий этиш ва пировардида соҳада тайёр, экспортбоп маҳсулотлари билан дунё бозорида муносиб ўрин эгаллаш белгиланиб қўйилди.

Шу боис, қишлоқ хўжалигидаги мамлакатимизда ва хорижда ишлаб чиқарилаётган юқори унумли трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарининг салмоғи ошиб бормоқда. Замонавий хориж техникалари кўп миқдордаги қимматбаҳо ва мураккаб қисм ҳамда деталлардан тузтлганлиги билан мавжуд техникалардан фарқ қиласди. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг техник ресурсидан фойдаланишининг долзарблигини оширади, шу сабабдан ҳам техник холати сифатини бошқарувчи омил бўлган ташхислаш (диагностика)нинг, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатишдаги ўрни, роли ва аҳамияти юксалиб бормоқда.

Замонавий мураккаб қишлоқ хўжалик техникаларининг асосий қисми Ҳиссадорлик машина-трактор парклари (ҲМТП), ва Муқобил машина-трактор парклари (ММТП) да жамланган, лизинг ва кредит хисобига уларни фермерлар ҳам сотиб ола бошлади.

Юкоридагиларни хисобга олиб “Хизмат кўрсатиш техникаси ва технологияси” бакалаврият таълим йўналиши талабаларига замонавий трактор, комбайн ва қишлоқ хўжалик машиналарига хизмат кўрсатиш соҳасига оид билимларни эгаллаш, уларга хизмат кўрсатиш маҳоратини ошириш ва ишларни ташкил қилиш йўналтиришга қаратилган.

#### **II. Ўқув фанининг мақсад ва вазифалари**

Ўқув фанининг мақсади замонавий қишлоқ хўжалик техникаларига фирмавий техник хизмат кўрсатишдан иборат.

Ўқув фанининг вазифаси замонавий мураккаб қишлоқ хўжалик техникаларига фирмавий сервис марказларида ва ҳиссадорлик машина-трактор паркларида замонавий диагностика, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини тўғри, сифатли ташкил этиш ва бажариш механизmlарини шакллантириши.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кунирма ва малакаларига қўйидаги талаблар қўйилади: